Куч — адолатда

2015 йил
24 июль,
жума
№ 29 (542)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Шу кунларда мамлакатимиз бўйлаб Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигини кенг нишонлаш бўйича қизғин тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Бу борадаги барча ташкилий-амалий, маданий-маънавий ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" деган эзгу ғоя асосида амалга оширилмоқда.



Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!

Президентимизнинг 2015 йил 17 июлда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"**ги қарорида биз учун энг улуғ, энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик байрамини юксак даражада ўтказиш билан боғлиқ муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Мазкур қарор замирида, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, халқимиз асрлар давомида интилиб яшаган ва курашган, мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қимматини теран идрок этиш, ўтган давр мобайнида босиб ўтган оғир ва машаққатли, айни вақтда шарафли йўлимиз, кенг кўламли ислоҳотларимиз, қўлга киритган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини юртимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, содда қилиб айтганда, биз кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни англаш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш каби эзгу мақсадлар мужассамдир.

Авваламбор, ҳар биримизнинг онг-шууримизда "Мустақиллик бизга нима берди ва биз мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида нималар қилдик?", деган савол туғилиши табиий. Бунга жавобан, мустақиллик биз учун миллий давлатчилигимизни, ўзлигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва қадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, муқаддас динимизни, буюк аждодларимизнинг табаррук номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган бекиёс имкониятлар очиб берганини эътироф этиш ҳам қарз, ҳам фарздир.

Халқимизнинг: "Ортингга қараб шукр қил, олдинга қараб фикр қил", деган пурҳикмат мақоли бор. Мамлакатимиз ўз мустақиллигини эълон қилиб, тарихий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб, айни пайтда шарафли йўлимизга назар ташлар эканмиз, Ватанимиз озодлиги нақадар машаққатли ва тинимсиз курашлар, халқимизнинг қандай оғир ва фидокорона меҳнати эвазига қўлга киритилгани, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимиз беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, истиқлолнинг дастлабки йилларида юртимизда қандай оғир вазият ҳукм сурганини ёдда тутиш ва тасаввур этишга тўғри келади. Маълумки, собиқ мустабид тузум қатъий марказлаштирилган ҳолда режалаштириш ва тақсимлаш усулига асосланган эди. Ана шу тузумга хос бўлган иллатлар билан бир қаторда республикамиз иқтисодиётининг бирёқлама ривожланиб, хомашё тайёрлашга йўналтирилгани, иқтисодиётга, экология ва аҳоли генофондига ҳалокатли таъсир ўтказадиган пахта яккаҳокимлигининг мисли кўрилмаган даражага етгани ўша пайтда юртимиздаги вазиятни жар ёқасига олиб келиб қўйган эди.

Бу каби салбий ва қалтис ҳолатларнинг барчаси эътиборга олиниб, мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб дунё тажрибасини ҳар томонлама ўрганиш асосида мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш дастури ишлаб чиқилди. Унда миллий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш, умумбашарий қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш орқали Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан уйғун ва ҳамоҳанг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз Ўзбекистон тарихида, узоқ, давомли мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаб беришда ўзининг пухта ўйланган тамойил ва қоидалари билан ишончли ва ҳал қилувчи омил бўлди.

Айни чоғда, Асосий қонунимиз негизига қўйилган талаб ва қоидаларга тўлиқ мос келадиган, дунё ҳамжамиятида "ўзбек модели" деб ном қозонган, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси

бу борадаги қонунчилик асослари янада такомиллаштирилмоқда

Маълумки, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада, айниқса, баркамол авлодни тарбиялаш суръатларини тубдан ошириш омили бўлган болалар спортини ривожлантиришга алоҳида урғу берилаётгани таҳсинга сазовордир.

Ҳақиқатан ҳам, жисмоний тарбия ва спорт миллат генофондини соғломлаштириш, соғлом турмуш тарзини ёшларимиз онгига сингдириш ва маънан юксак, жисмонан соғлом авлодни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Бу ҳақда сўз борганда, "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида янги таҳрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилгани хусусида тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, ҳозирги пайтда юртимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан 2000 йил 26 майда янги таҳрирда қабул қилинган "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонун билан тартибга солиб келинмоқда. Мазкур қонун қабул қилинганидан буён ўтган давр мобайнида унда белгиланган нормаларни, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалда қўллаш юзасидан муайян тажриба тўпланди.

Президентимиз ташаббуси билан 2002 йилда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ва оммалаштиришда яна бир муҳим қадам бўлди.

Шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг болалар спортини ривожлантириш юзасидан қабул қилган бир қатор қарорлари билан бугунги кунда Ўзбекистонда спорт жиҳозлари ва анжомларини маҳаллий ишлаб чиқариш индустрияси барпо этилмоқда. Ҳар йили республикамиз миқёсида, айниқса, қишлоқ жойларида янги спорт объектлари қуриш ва мавжудларини тубдан реконструкция қилиш бўйича аниқ мақсадли давлат дастурлари тасдиқланмоқда ҳамда изчиллик билан ижро этилмоқда.

Шу билан бирга, дунё спорти бўйича юқори натижаларни қўлга киритиш мақсадида, 2009 йилдан бошлаб Ўзбекистон спортчиларини Олимпия ўйинларига тайёрлаш бўйича давлат дастурлари қабул қилина бошланди.

(Давоми учинчи бетда)

Йўл қурмоқ – савоб, йўл юрмоқ – роҳат

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида ҳаётимизда юз берган оламшумул ўзгаришларни узоғимизни яқин қиладиган транспорт воситаларию равон йўллар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Эндиликда учқур поезду автомобилларда манзилга бирпасда етиб олиш, наинки юртимиз шаҳарлари, балки узоқ хориж ўлкаларига ҳам бориб-келиш одатий ҳолга айланди. Шуларни ўйлар эканмиз, беихтиёр яқин ўтмиш кўз олдимизда гавдаланади. Бундан чорак аср муқаддам сафар халтани орқалаганча вокзалларда, автостанцияларда уззукун улов кутган, "йўл азоби — гўр азоби" дея ўз-ўзига тасалли берган йўловчилар сизу биз эмасмидик?!

Олтин кўприк

Асрлар мобайнида Шарқ ва Ғарб ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни таъминлаб келган Буюк ипак йўлида Ўзбекистоннинг тутган ўрни тарихий солномаларда қайд этилган. Бугун дунё иқтисодиётидаги глобал ўзгаришлар, хусусан, жаҳон бозорларига товарларни етказиб беришда янги йўналишларнинг пайдо бўлиши натижасида Буюк ипак йўли анъаналари қайта тикланар экан, Ўзбекистон нафақат Шарқ ва Ғарб, балки Шимол ва Жанубни ҳам боғлайдиган "олтин кўприк"ка айланди.

Мамлакатимизда йигирмата халқаро транспорт йўналиши мавжуд бўлиб, улар орасида "Е-40" ва "Е-60" халқаро автомобиль йўллари Ғарбий Европа мамлакатларини Шарқий Осиё давлатлари билан боғлашда стратегик аҳамиятга эга автомобиль йўллари ҳисобланади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Istiqlol imkoniyatlari

Тадбиркорлик фаолияти – қонун ҳимоясида

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини изчиллик билан ривожлантириш ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш иқтисодий ислоҳотларнинг энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Зеро, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик миллий иқтисодиётимиз тараққиётининг гаровидир. Шу боис кейинги йилларда тадбиркорлик фаолиятига янада кенг имкониятлар яратилмоқда.

Президентимизнинг 2015 йил 15 майда қабул қилинган **"Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони бу борада навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Бу ҳақда сўз борганда, авваламбор, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасидаги ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилаётганини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

(Давоми учинчи бетда)

Маълумки, бозор иқтисодиётининг асосини тадбиркорлик фаолияти ташкил этади. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда битимлар муҳим ўрин тутади. Чунки битимлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатларидир.

Huquqiy ma`rifat

Битимлардаги мажбуриятлар

тарафлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди

Ҳар қандай битим тарафларнинг муайян хоҳиш-иродаси билан боғлиқ бўлиб, шунга мувофиқ ҳуқуқий оқибатни юзага келтиришга қаратилган бўлади. Битим тузувчиларнинг эркинлиги ифода этилишига қараб битимлар бир томонлама, икки томонлама ва кўп томонлама бўлиши мумкин.

Бундан ташқари ёзма шаклда тузиладиган битимлар икки турга бўлинади. Булар — оддий ёзма ва нотариал тартибда тасдиқланадиган битимлар.

Оддий ёзма битим битимнинг шартларини ўз ичига олган ва тарафлар томонидан имзоланган ҳужжатдир. Битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди. Бироқ низо чиққан тақдирда, тарафларни битимнинг тузилганини, мазмунини ёки бажарилганини гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Нотариал тасдиқланган битим деб, белгиланган шаклда нотариат хати бўлган, нотариус томонидан имзоланган ва гербли муҳр босилган ёзма ҳужжатга айтилади. Нотариал шаклдаги битим уни тузувчилар ёки уларнинг вакиллари томонидан нотариус ҳузурида имзоланади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Айтинг-чи, қонунда транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи неча ёшдан берилиши белгиланган?

Нодир ИБОДОВ,
Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани

— Сизнинг ушбу саволингизга амалдаги "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги қонуннинг 27-моддасидан жавоб топиш мумин.

Унга кўра, мотоцикллар, мотороллерларни ва бошқа мототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи — ўн олти ёшга тўлган шахсларга берилади; рухсат этилган энг кўп оғирлиги 3500 килограммдан ҳамда ўриндиқлар сони ҳайдовчининг ўриндиғидан ташқари саккизтадан ошмайдиган автомобилларни бошқариш ҳуқуқи (такси бундан мустасно) — ўн саккиз ёшга тўлган шахсларга берилади; рухсат этилган энг кўп оғирлиги 3500 килограммдан ошадиган юк автомобилларини бошқариш ҳуқуқи — ўн саккиз ёшга тўлган шахсларга берилади; такси тариқасида фойдаланиладиган автомобилларни, шунингдек, йўловчилар ташиш учун мўлжалланган ва ҳайдовчининг ўриндиғидан ташқари саккизтадан ортиқ ўриндиғи бўлган автомобилларни, трамвайлар ва троллейбусларни бошқариш ҳуқуқи - йигирма бир ёшга тўлган шахсларга берилади; транспорт воситалари составларини бошқариш ҳуқуқи — ушбу қисмнинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида кўрсатилган транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга транспорт воситаларини бошқариш стажи ўн икки ойдан кам бўлмаган тақдирда берилади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи тиббий текширувдан ўтган ва малака имтиҳонларини топширган шахсларга бериладиган, белгиланган намунадаги гувоҳнома билан тасдиқланади.

Қўшним уйи атрофидаги ўзига тегишли бўлмаган ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб, ҳатто иморат ҳам қуриб олди. Айтинг-чи, қонунда бундай хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланганми?

Самариддин ҲАКИМОВ,
Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри

— Амалдаги Ер кодексининг 90-моддасида ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши қайд этилган. Шунингдек, мазкур кодекснинг 91-моддаси талабига биноан, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра, қайтарилади.

Ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан, ундаги иморатларни бузиш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар ҳисобидан амалга оширилади. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ер участкаси ижарачисига ёки мулкдорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра, амалга оширилади.

Фарзандликка олишни ота-онанинг розилигисиз ҳам амалга ошириш мумкинми?

Нўъмон ҲАЙДАРОВ,
Тошкент вилояти, Янгийўл тумани

— Ҳа, мумкин. Жумладан, амалдаги Оила кодексининг 160-моддасига биноан, ота-онанинг розилигисиз фарзандликка олиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса; ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса; ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса; ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса, ота-онанинг розилигисиз амалга оширилади.

Айтинг-чи, қонунга биноан набираларига моддий таъминот бериш бобо ва бувилари зиммасига ҳам юклатилиши мумкинми?

Саида УМИРОВА,
Навоий вилояти, Кармана тумани

— Оила кодексининг 123-моддасида бобо ва бувининг ўз набираларига таъминот бериш мажбурияти белгиланган.

Мазкур модда талабига кўра, ота-онаси йўқ бўлган ёки улардан таъминот ололмайдиган вояга етмаган набираларига таъминот бериш мажбурияти етарли маблағга эга бўлган бобо ва буви зиммасига юклатилиши мумкин.

Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож набираларнинг ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмаса, уларга нисбатан ҳам бу мажбурият бобо ва бувининг зиммасига юклатилиши мумкин.

Худди шунингдек, ўзларининг вояга етган болаларидан ёхуд эри ёки хотинидан (собиқ эри ёки хотинидан) таъминот ололмайдиган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож бобо ва бувига таъминот бериш мажбурияти етарли маблағга эга бўлган, вояга етган, меҳнатга лаёқатли набиралар зиммасига юклатилиши мумкин.

Саволларга фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг раиси Абдувоҳид КОСИМОВ жавоб берди.

Iftixor

Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бугунги кунда Конституциямизда белгиланган тамойилларни амалга ошириш йўлидан дадил қадамлар қўйиб бораётганимиз, давлат қурилиши, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва демократик янгиланишлар, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг жадал ўсиб, юртимиз қиёфаси, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни бутунлай ўзгариб бораётгани барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси моҳият-эътиборига кўра, узоқ муддатга мўлжалланган Дастур бўлиб, у бугунги глобаллашув замонида, дунё шиддат билан ўзгариб бораётган бир шароитда ўзаро узвий боғлиқ бўлган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллиги, сўз ва ахборот эркинлиги, сайлов эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди.

Шуниси диққатга сазоворки, олдимизга қўйилган асосий мақсад ва устувор вазифалар мамлакатимизни эркинлаштириш ва модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилига асосланган. Бу демократик ислоҳотлар изчил ва тадрижий, босқичма-босқич ва узлуксиз тизимли жараён эканининг яна бир исботидир.

Шу маънода, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва эркин ривожлантириш, уларнинг жамиятни демократик ўзгартириш ва либераллаштиришда фаол иштирок этишини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий шароитлари, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлари яратилди. Натижада нодавлат-нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими ривожланди ва мустаҳкамланди.

Маънавият — аждодларни авлодларга, ўтмишни бугунга, бугунни эса, келажакка боғловчи кўприк вазифасини бажаради. У ота-боболаримиз тўплаган жамики яхши фазилатлар ва хислатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг мажмуи, қолаверса, аждодларимиз тўплаган тарихий-ижтимоий тажриба ва барча қарашларни ўзида мужассам этади. Шу боис истиқлол йилларида маънавият соҳасига беқиёс эътибор қаратилиб, тилимизда, демакки, онгу тафаккуримиз, дунёқарашимизда маънавий бойликлар, маънавий тарбия, халқ маънавий бойлиги, халқ маънавияти, маънавий бурч каби тушунчалар янгидан шаклланди.

Юртдошларимизнинг маънавий дунёси, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксалиб, ижтимоий фаоллиги ўсиб, дахлдорлик туйғуси кундан-кунга кучайиб бормоқда.

Айни вақтда тарихан қисқа давр ичида мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 баробардан кўпроқ ўсгани, аҳолининг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда қарийб 9 баробар ошганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундай юксак натижаларга эришиш учун ўтган давр мобайнида иқтисодиётимизга 190 миллиард доллар ҳажмдаги инвестициялар, жумладан, 65 миллиард доллардан ортиқ хорижий сармоялар жалб этилди.

Энг муҳими, миллий иқтисодиётда биз учун мутлақо янги бўлган автомобилсозлик, нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқларга асос солинди.

Бугунги кунда Ўзбекистон, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, саноати тез суръатлар билан ривожланиб бораётган, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ҳисобидан иқтисодиётда саноатнинг улуши 25 фоизга етган, экспортбоп ва рақобатдош маҳсулотларнинг 60 фоиздан ортиғи юқори технологияларга асосланган соҳаларда ишлаб чиқарилаётган, куч-қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган мамлакатга айланди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ўтган даврда иқтисодиётимизда туб демократик ва бозор ислоҳотларининг амалга оширилгани, хусусий мулкка кенг йўл очиб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерликни ривожлантириш учун қулай шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилингани муҳим принципиал аҳамият касб этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганинг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Президентимиз қарорида қайд этилганидек, мустақилликка қадар мамлакатимизда умуман мавжуд бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортиғини ишлаб чиқараётгани, мазкур тармоқда жами иш билан банд аҳолининг 75-77 фоизи меҳнат қилаётгани ҳам юртимизда бу соҳа жадал ривожланиб, ўрта синф — мулкдорлар синфининг жамият таянчига айланиб бораётганини яққол тасдиқлаб турибди.

Юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, аҳолининг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган дастурлар ўзининг самараларини бермоқда.

Хусусан, бу янгича уй-жойлар аёлларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, гўзаллик салонлари, миллий ва замонавий либослар уйлари қуриб, фойдаланишга топширилаётгани хотин-қизлар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, уларнинг янада кўркам ва латофатли бўлишига имкон яратмоқда.

Қишлоқларимизни обод қилиш, қишлоқ аҳолисининг турар-жой шароитларини яхшилаш бўйича Президентимиз таклиф этган бу ноёб тажриба халқимизга ниҳоятда манзур бўлгани баробарида, халқаро ҳамжамиятда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Эришилган улкан ютуқларимизнинг замирида ўз тажассумини топган яна бир яққол ҳақиқат шуки, истиқлол шарофати билан баркамол авлод орзуси халқимиз учун энг эзгу мақсадга, таъбир жоиз бўлса, энг савобли ишга айланди. Бугун барча эзгу ишларимиз бошида элюрт келажагига бевосита дахлдор ана шу масала турибди. Маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш истиқлол сиёсатининг узвий қисми ҳисобланади.

Ҳеч шубҳасиз, вақт ўтиши билан тобора ёрқин намоён бўлаётган, биз биринчилар қаторида амалга оширган ва давом эттираётган, дунёда катта қизиқиш уйғотаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури, бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия соҳасига энг устувор аҳамият берганимиз мамлакатимизнинг катта суръатлар билан барқарор ривож топишида ва юртимизнинг дадил қадамлар билан илгарилаб боришида мустаҳкам пойдевор яратиб берди.

Мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар бошланганидан буён олий таълим муассасари сони кескин ошди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда Европа ва Осиёнинг бир қатор етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари, жумладан, Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети, Жанубий Кореянинг Инха университети филиаллари фаолият юритмоқда.

Юртимиз ёшларининг минглаб иқтидорли вакиллари Япония, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Буюк Британия, АҚШ, Франция ва бошқа мамлакатларнинг етакчи университетларида таълим олмоқда. Бу эса уларнинг билим ва малакасини оширишда кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида қўлга киритилган ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётий омиллари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз.

Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш доирасида юқори самарадорлиги бутун дунёда эътироф этилган она ва бола соғлиғини муҳофаза қилишнинг миллий модели шакллантирилди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинлари, шу жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларнинг кенг тармоғи яратилгани натижасида аҳоли, авваламбор қишлоқ жойлардаги оналар ва болаларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

Натижада истиқлол йилларида Ўзбекистонда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,2 баробар камайди. "Она ва бола скрининги" дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайди. Айниқса, халқимизнинг ўртача умри 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умри 75 ёшга ортганини мамнуният билан таъкидласак, арзийди.

Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. "Save the children" халқаро ташкилоти эълон қилган рейтингга кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

Мамлакатимизда маънавият ва маърифатни юксалтиришга, болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда қабул қилинган ва изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури мустақиллигимизнинг илк кунларидан нуроний отахон ва онахонларимизни қадрлаш ва ардоқлаш ҳамда жисмонан соғлом ва маънан етук баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифа этиб белгиланган ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари яшайди. Ана шу кўп сонли миллат ва элат вакилларининг биргаликда, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб умр кечириши натижасида уларнинг ҳар бири маънавий ва маданий жиҳатдан бойиб, ўзаро муносабатлар таъсирида кўп миллатли халқимизнинг турмуш тарзи янада юксалмоқда.

Бошқача айтганда, миллатлараро тотувлик ғояси жамиятимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосига айланмоқда. Бу ғоя — ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратиб, уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этмоқда.

Зеро, неча минг йиллик тарихимиз шундан гувоҳлик берадики, олижаноблик ва инсонпарварлик, миллатлараро тотувликка интилиш халқимизнинг энг юксак фазилатларидандир. Истиқлол бизга ана шу эзгу анъаналарни изчил давом эттириш ва авлоддан авлодга янада мукаммал бўлиб ўтишини таъминлаш имконини берди.

Хулоса қилиб айтганда, бугун юртдошларимиз, Ўзбекистонда туғилиб-улғайиб-вояга етаётган ёшларимизнинг ҳар бири ўз ҳаётини, келажагини мана шу буюк ва муқаддас, бетакрор Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги билан уйғун кўради. Осуда, хотиржам ва саодатли ҳаётимизнинг қадрига етиб, уни янада зиёда қилишни кўнглидаги энг покиза ният, доимий интилажак ёруғ манзил деб билади.

Ғулом МИРЗО,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист,
Бобомурод РАЙИМОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Saboq

Ҳушёрлик ва

Мамлакатимизда аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалгани сайин узоғимизни яқин, мушкулимизни осон қиладиган транспорт воситаларининг сони ҳам ортиб бормоқда. Албатта, бу, ўз навбатида, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Шу маънода, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг бу борадаги ҳуқуқий меъёрлар талабларига қатъий риоя этиши ғоятда муҳимдир.

Энг муҳими, ўтган даврда бу борада замон талабларига жавоб берадиган қонунчилик асослари яратилди. Жумладан, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 131-моддасида ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоголли ичимликдан, гиёҳвандлик модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқарганлиги учун маъмурий жавобгарлик белгилаб қўйилган. Шунингдек, ушбу моддада транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан ҳуқуқбузарлик содир этганлик, алкоголли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёхуд ўзгача тарзда маст шахсга транспорт воситасини бошқаришни топширганлик учун ҳам маъмурий жазо кўзда тутилган.

Бундан ташқари амалдаги Жиноят кодексининг 266-моддасида ҳам транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Яъни транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилиниши, агар ўша қилмиш одам ўлимига сабаб бўлса, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилган.

Агар ўша қилмиш одамлар ўлимига, ҳалокатга, бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса — муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Албатта, автотранспорт воситасини бошқараётган шахсдан, аввало, ҳушёрлик, белгиланган қоидаларга қатъий риоя этиш талаб этилади. Шундагина турли хил кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олинади, ҳар бир йўловчи кўзлаган манзилига бехатар етиб боради.

Istiqlol imkoniyatlari

Тадбиркорлик фаолияти – қонун ҳимоясида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўтган даврда қабул қилинган қонунлар, Президентимизнинг фармон ва қарорлари асосида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди, тадбиркорлик субъектларига нисбатан барча санкцияларнинг суд қарорига асосан қўлланилиши белгиланди. Шунингдек, ҳисобот тақдим этишнинг шакл ва турлари, тадбиркорларнинг молия-хўжалик фаолиятида ўтказиладиган текширишлар сони кескин қисқартирилди.

Айтиш керакки, мамлакатимизда тадбиркор бўлиш, мулкка эгалик қилиш ҳар бир шахснинг конституциявий ҳуқуқи ҳисобланади. Мулкдор бўлиш нафақат мулкка нисбатан эҳтиёжни қондириш, балки уни ҳимоя қилишни ҳам қамраб олади. Маълумки, қадимдан меҳнаткаш, ташаббускор ва ишбилармон, тадбиркор одамлар жамиятда доимо ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиб келган. Жумладан, соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўз тузукларида ўзгаларнинг мулкига зарар етказмасликни алоҳида таъкидлаб, жамиятда барча аҳолининг ижтимоий аҳволидан хабардор бўлиш асосида "уларнинг мол-мулкини, буюмларини талон-торождан сақласинлар", деб кўрсатма берган. Соҳибқирон бобомиз, шунингдек, "Азми қатъий, шижоатли, тадбиркор бир инсон тадбирсиз, лоқайд минг-минглаб кишилардан яхшидир", дея тадбиркор инсонларни улуғлаган. Демак, Амир Темур замонида ҳам халқда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш жамиятнинг асосий эътиборидаги масалалардан бўлган.

Шу нуқтаи назардан, Президентимизнинг юқорида қайд этилган фармонида давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки шу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг ўрни суд қарори асосида тўлиқ ҳажмда бевосита ана шу давлат органлари томонидан, биринчи навбатда, уларнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобига қопланиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Бунда зарарларнинг ўрнини қоплаш суд қарори билан ана шу етказилган зарар учун айбдор бўлган давлат органларининг мансабдор шахсларига, қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорларда юкланиши мумкин.

Умуман олганда, мустақиллик йилларида ушбу соҳадаги ишларни ривожлантириш ҳамда ҳуқуқий базасини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни икки босқичга бўлиб таҳлил этиш ўринли, деб ўйлаймиз.

Биринчи босқич — мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки йиллари, яъни 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврга тўғри келади. Ушбу босқичда давлат фаолияти асосан ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини, аввалам­бор, қонунчилик базасини шакллантириш учун зарур шароит яратишга қаратилди.

Жумладан, бу даврда Фуқаролик, Ер, Солиқ, Божхона кодекслари, "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида", "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида" каби бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Мазкур қонунлар негизида давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячиси экани, тадбиркорлар ўз ишига беҳавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши кафолатлари мустаҳкамланди.

Бу даврда Президентимиз томонидан "Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида", "Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ҳамда "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида"ги фармонлар қабул қилинди.

Ушбу норматив ҳужжатлар юртимиз аҳолисини тадбиркорлик соҳасига кенг қўламда жалб этишни таъминлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий бизнеснинг ролини сифат жиҳатидан ошириш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жараёнларини жадаллаштириш каби масалаларга йўналтирилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг "Республикада тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида", "Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тўғрисида" ва "Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик бизнес бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди. Мазкур муҳим ҳужжатларнинг барчаси соҳа ривожи учун ғоятда катта аҳамиятга эгадир.

Давр тақозоси билан иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш жараёнларида хусусий мулкнинг ҳимоясини янада мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатларини тўлиқ таъминлашга доир кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, кейинги йилларда янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ҳамда "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки ушбу қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолияти тадбиркорлик субъектларининг молмулки асосида амалга оширилиши мумкинлиги, тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун қатор солиқ имтиёзлари ва преференциялар кўзда тутилган.

Бундан ташқари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш билан боғлиқ муносабатларни янада тўлиқроқ тартибга солишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари ҳам қабул қилинди. Президентимизнинг "Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида", "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ва "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари шулар жумласидандир.

Шунингдек, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан ишлаб чиқаришни ташкил этишда замонавий хорижий технологиялардан фойдаланишни рағбатлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ кредит маблағларидан фойдаланиш борасида бир қатор имтиёзлар ҳамда кредитдан самарали фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш борасидаги ҳуқуқий ислоҳотларни ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратилгани бежиз эмас.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, холисона таҳлил, ислоҳотларимизнинг мантиқи ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг иқтисодиётда, энг аввало, саноатдаги улушини янада оширишга хизмат қиладиган ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш эҳтиёжи сезилмоқда.

Бинобарин, Концепцияда белгиланган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилингани диққатга моликдир.

Янги қонун ҳужжатида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилишнинг йўллари янада соддалаштирилган, улар фаолияти учун кўпроқ эркинликлар яратишга қаратилган қоидалар ўз аксини топган.

Қолаверса, қонунда тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, мавжуд ресурслардан фойдаланиш, уларга давлат буюртмаларини олиш имкониятини ишониб топшириш учун кафолатлар яратиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш учун янги имтиёзлар бериш, молия ва статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш билан боғлиқ нормалар ўз ифодасини топган.

Мамлакатимиз раҳбари парламент палаталарининг жорий йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида депутатлар ва сенаторлар эътиборини яна бир бор бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш соҳасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қонунларимизда белгилаб қўйилган рағбатлантирувчи омиллар ва преференцияларнинг ишлаши билан боғлиқ муаммоларга қаратиб: "Қачонки ҳуқуқнинг юқорида қайд этилган бошқа тармоқларига тегишли бўлган ҳуқуқий институтлар, аввало, суд-ҳуқуқ соҳасининг таъсир кўрсатиш механизмлари билан мустаҳкамлаб қўйилган тақдирдагина улар ўз самарасини беради", деб қайд этди.

Демак, бу борада ҳозирги шароитда тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган қонунлар, кодификация қилинган қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш, янги қонунларда белгиланган қоидаларни тўлиқ рўёбга чиқаришни таъминлайдиган қонуности ҳужжатларини ўз вақтида эълон қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу жиҳатдан, Президентимиз фармонида хусусий тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини кучайтириш назарда тутилгани айни муддаодир. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари солиқ ва божхона қонунчилигини бузганлиги муносабати билан уларнинг мулкини мусодара қилиш, тўловчи томонидан эътироз бўлганда, қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини ундириш фақат суд қарори билан амалга оширилади.

Ҳақиқатан ҳам, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш фаолиятимизнинг асосий мезонидир. Чунки тадбиркорлик тараққий этса, юртимиз янада обод, турмушимиз фаровон бўлади.

Ҳусан МУЛЛАЖОНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг раиси

Qonun ijodkorligi

Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси

бу борадаги қонунчилик асослари янада такомиллаштирилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Спортнинг олимпия турлари бўйича республикамиз терма жамоалари ҳомийлар томонидан қўшимча молиялаштириладиган бўлди. Шунингдек, улар халқаро спорт тадбирларида иштирок этишга тайёргарлик кўриш ва қатнашиш учун лицензиялар олиш ва кейинчалик Олимпия ўйинларида иштирок этиб, давлатимиз обрўсини муносиб ҳимоя қилишга сифатли тайёргарлик кўриш учун спорт марказларига ва спорт базаларига бириктириб қўйилди.

Кейинги йилларда, жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш мақсадида, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ўрганиш бу соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Қисқаси, янги таҳрирда ишлаб чиқилган "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонун лойиҳаси, аввалам­бор, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янада ислоҳ қилиш, мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва самарали спорт инфратузилмасини яратиш борасида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари қонун лойиҳаси замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда юксак маҳоратли спортчиларни ва спорт захирасини тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни ва янгича ёндашувни яратишга йўналтирилган. Қонуннинг янги таҳририда, шунингдек, спорт турларини, айниқса, олимпия турларини янада ривожлантириш, халқаро спорт мусобақаларида, олимпиада ўйинларида Ўзбекистон спортчиларининг муносиб иштирокини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари белгилаб қўйилмоқда.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида Франция, Германия, Италия, Хитой каби бир қатор хорижий мамлакатларнинг спорт соҳасидаги қонунчилик асослари таҳлил этилди. Шу асосда қонуннинг янги таҳририга, жумладан, жисмоний тарбия ва спорт субъектлари, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини давлат томонидан тартибга солиш институтлари, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги шартнома муносабатларига доир норматив-ҳуқуқий қоидалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳаси "жисмоний маданият", "спорт тури", "жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари", "оммавий жисмоний тарбия тадбирлари", "спорт мусобақалари", "миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари", "спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш иншоотлари" каби янги тушунчалар билан тўлдирилган.

Қонун лойиҳасида жисмоний тарбия ва спорт соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг "Спорт турлари Ягона давлат классификатори", "Спорт классификацияси", "Халқаро ва республика миқёсидаги спорт ва оммавий жисмоний тадбирларнинг ягона Тақвим режаси" сингари институтлари мустаҳкамланган бўлиб, улар қатъий тизимни ташкил этади.

Бундан ташқари қонун лойиҳасида жисмоний тарбия ва спортни давлат томонидан бошқаришга ваколатли орган билан жойлардаги жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилган.

Энг муҳими, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида устувор ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи тегишли юридик нормалар ишлаб чиқилган. Олий спортдаги, спорт захирасини тайёрлаш тизимидаги фаолиятни, Ўзбекистон Республикаси терма жамоаларини шакллантириш, спорт ва жисмоний тарбия ташкилотларининг ўзаро муносабатларини (спорт фаолияти тўғрисидаги шартнома, спортчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, допингга қарши курашиш ва бошқалар) тартибга солишга доир нормалар шулар жумласига киради.

Бу борада жисмоний тарбия ва спортни таълим, соғлиқни сақлаш тизимларида, Қуролли кучларда, ҳуқуқ-тартибот органларида, аҳолининг иш жойи ва дам олиш жойи бўйича, шу жумладан, спорт клублари, спорт мактаблари, олимпия захираси коллежларида ташкил қилиш бўйича ҳам тегишли ҳуқуқий нормалар назарда тутилмоқда.

Мухтасар айтганда, қонун лойиҳасида жисмоний тарбия ва спорт ҳақидаги қонунчилик тамойиллари тизимлаштирилган. Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, ҳеч шубҳасиз, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, шу жумладан, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, бу борада мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, замонавий ва самарали спорт инфратузилмаларини шакллантириш, юқори тоифали спортчилар ва спорт захирасини тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир талабларни жорий этишда муҳим ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади.

Акмал УМИРЗАҚОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Maslahat

Эгасиз ашё

у қандай тартибда ҳисобга олинади?

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 191-моддасида эгасиз ашё ҳақида сўз юритилган бўлиб, унга кўра, эгаси бўлмаган ёки эгаси номаълум бўлган ашё эгасиз ашё ҳисобланади.

Агар бу ҳол топилма тўғрисидаги, қаровсиз ҳайвонлар ва хазина тўғрисидаги қоидаларда рад этилмаган бўлса, эгасиз кўчар ашёларга эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида қўлга киритилиши мумкин.

Эгасиз кўчмас ашёлар тегишли давлат органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ариза сига мувофиқ кўчмас мол-мулкни давлат рўйхатига олувчи орган томонидан ҳисобга олинади.

Эгасиз кўчмас ашё ҳисобга олинганидан кейин уч йил муддат ўтгач, давлат мол-мулкини бошқаришга ваколати бўлган орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бу ашёни давлат мулкига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига кирган деб ҳисоблаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиши мумкин.

Суднинг ҳал қилув қарорига биноан давлат мулкига ўтмаган деб ҳисобланган эгасиз кўчмас ашё уни ташлаб кетган мулкдорнинг эгалигига, фойдаланишига ва тасарруфига яна қабул қилиниши ёки эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида қўлга киритилиши мумкин.

Эгасиз ашёларни аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

Нодир КОМИЛОВ,
Олий суд катта консультанти

Jinoyat va jazo

Ахлоқ-одоб қоидалари

унга қатъий риоя этиш тинчлик-осойишталикни таъминлашга хизмат қилади

Мамлакатимизда халқимизнинг тинч ва осойишта турмуш кечиришини таъминлаш, фуқароларнинг ҳаёти хавфсизлиги ва саломатлигини асраб-авайлаш устувор вазифа этиб белгиланган. Айтиш жоизки, ҳаётимиз хавфсизлиги ва турмушимиз осойишталигига турли жиноий қилмишлар ҳам рахна солиши мумкин. Хусусан, жамиятда ўрнатилган ахлоқ-одоб қоидаларини қасддан менсимаслик билан содир этиладиган безорилик жиноятини оладиган бўлсак, бу қилмиш бирор-бир шахсни уриб-дўппослаш, мол-мулкка шикаст етказиш каби салбий оқибатларни келтириб чиқариши билан хавфли саналади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Қоидага риоя этиш

йўлимиз бехатарлиги ва хавфсизлигимизни таъминлашнинг асосий воситасидир

Бироқ ҳаётда автотранспорт воситасини амалдаги қоидаларга риоя этмайдиган, бунинг устига ҳушёрликни унутганча бошқарадиган кимсалар ҳам учраб туради. Бунга М.Алимардоновнинг хатти-ҳаракатини мисол сифатида келтириш мумкин.

Гап шундаки, М.Алимардонов спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда автотранспорт воситасини бошқариш қонун талабига мутлақо зид эканини яхши биларди. Бироқ унинг ўзи бунга амал қилмади. Яъни у танишининг тўйида спиртли ичимлик истеъмол қилганига қарамай автомашина бошқарганча уйига равона бўлди. Йўлда эса, кутилмаганда, фожиа рўй берди. Аниқроқ айтганда, у Шўрчи туманидаги "Оқтумшуқ" маҳалласидан ўтувчи 41-автомобиль йўлидан туман марказига томон автоуловни маст ҳолда бошқариб бораркан, "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг бир қатор талабларини қўпол равишда бузади.

Оқибатда эса, катта тезликда бораётган автомашина йўлнинг ўнг томонига чиқиб кетиб, Севара Бакировани уриб юборади.

Ачинарлиси шундаки, тиббиёт ходимларининг тезкор саъй-ҳаракатларига қарамай, оғир тан жароҳати олган С.Бакирова шифохонада ҳаётдан кўз юмади.

Суд ушбу жиноят ишини атрофлича ўрганиб чиқди ва айбнинг оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, судланувчи М.Алимардоновга нисбатан Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисмига асосан тегишли жазо тайинлади.

Юқорида баён этилган воқеадан ҳам кўринадики, қонун талабларига риоя этмаслик, автотранспорт воситасини беписандлик билан бошқариш ана шундай фожиали якун топди.

Хулоса ўрнида айтганда, автотранспорт воситасини бошқараётган ҳар бир шахс, аввало, амалдаги қоидаларга қатъий риоя этиши ўзининг ва бошқа йўл ҳаракати иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим кафолати эканини ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Комил АРАЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Шўрчи тумани судининг раиси

Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Йўл қурмоқ – савоб, йўл юрмоқ – роҳат

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айни чоғда қурилиши жадал давом этаётган Ўзбек миллий магистрали ҳам катта халқаро аҳамиятга эга. Қўнғирот орқали Россия ва Шарқий Европа мамлакатларига бориш учун яқин ва қулай йўлга миллий магистрал шарқда Ўш-Қашқар автойўли билан боғланиб, Хитойда Буюк ипак йўли бўйлаб қурилаётган тезюрар автомобиль йўлига туташади. Ғарб ва жанубда Ҳинд ярим ороли, Жанубий Осиё ва Яқин Шарқ, Ғарбий Европа мамлакатларини боғлаб турувчи мавжуд йўллар ҳамда келажакда қурилажак йўллар билан боғланади.

Автомобиль йўлларининг маҳаллий аҳамияти ҳам салмоқли ўрин тутади.

Миллий иқтисодиётнинг жадал ривожланиши туфайли автомобиль йўлларига бўлган эҳтиёж тобора ортмоқда. Маълумотларга кўра, иқтисодий ўсиш йилига 8 фоизни ташкил этган тақдирда автомобиль транспорти орқали юк ташиш ҳажми йилига 9,4 фоизга ошиб боради. Натижада автомобиль йўллари орқали ташиладиган юклар 2030 йилга бориб 4,6 маротаба ошади.

Равон йўллар

Маҳалламиздаги Зиёвуддин ака Бухорога бориб келиб, йўл таассуротлари ҳақида сўзлаб берди:

— "Матиз"да отланаётганимни эшитиб, баъзи танишларим "Йўл узоқ, қийналмайсизми?" деди. Лекин сафар давомида йўлларимизнинг равонлигини кўриб, ҳавасим ортди. Йўлни қўятуринг, йўл четларидаги белгилар тартиб билан ўрнатилгани, автомобилга ёнилғи қуйиш, дам олиш, овқатланиш учун шароитлар яхшиланиб бораётганини кўриб қувончим ичимга сиғмади. Бугунги йўлларимизни кўриб, одамнинг ҳар куни сафарга чиққиси, истиқлол шарофати билан кун сайин чирой очиб бораётган шаҳарларимизни зиёрат қилгиси келади.

Дарҳақиқат, кенг ва равон йўллар юртимизда йўлсозлик тобора ривожланаётгани, йўл қурилиши борасида энг замонавий талаблар асосида иш тутилаётганидан далолатдир. Бугунги кунда Ўзбекистондаги мавжуд 183 минг километрдан зиёд автомобиль йўлининг 42,6 минг километри халқаро, мамлакат ва вилоят аҳамиятига молик умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари экани йўлсозлик қўлами нечоғли кенглигидан далолатдир.

— Муҳандислик ғояси, лойиҳа ечими билан бошланадиган ва миллионлаб кубметр тупроқни кўчириш, минглаб тонна қум, шағал, асфальт, битум ётқизиш билан якунланадиган, муҳими, ҳар куни минглаб одамлар, автомашиналарнинг узоғини яқин қиладиган йўллар қурилиши жуда катта меҳнат ва харажат талаб қилади, — дейди "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компанияси бошқарма бошлиғи ўринбосари Қаҳрамон Ҳакимов. — Президентимиз Ислом Каримов томонидан истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ушбу масала оқилона ҳал этилгани бугун ўз самараларини бераётир. Йўл хўжалигини бошқариш тузилмасида аввал мавжуд бўлган кўплаб йўл жамғармалари ўрнига Молия вазирлиги ҳузурида Республика йўл жамғармаси ташкил қилингани умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз йўлсозлари кўп қаторли транспорт ҳаракати учун мўлжалланган йирик кўприклар, замонавий автомагистралларни қуриш тажрибасини мукаммал ўзлаштирди. Йўл қурилишида "Katerpiller", "Virtgen", "Libxerr", "Xamm", "Fogele", "ABG", "Daynapak", "Hitachi", "Komatsu", "Kato", "Nissan" сингари хорижий компанияларнинг замонавий йўл қуриш техникаси ҳамда ускуналаридан фойдаланилмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида Тошкент-Андижон-Ўш, Тошкент-Самарқанд-Бухоро, Тошкент-Чимён-Чорвоқ автомобиль йўллари реконструкция қилиниб, биринчи тоифага ўтказилди. Серқатнов йўналишлардан ҳисобланган Самарқанд-Қарши-Термиз ва Бухоро-Нукус-Қўнғирот-Бейнов йўллари кенгайтирилиб, биринчи ва иккинчи тоифа талаблари асосида таъмирланди.

Кўплаб йўл ўтказгич ва эстакадаларга эга 6-8 полосали 32 километрлик Тошкент кичик халқа йўлининг барпо этилиши пойтахт кўчаларида тирбандликни бартараф этишда муҳим ечим бўлди. Мазкур йўлнинг Олмазор ва Шайхонтоҳур туманлари ҳудудидан ўтган қисмида, Беруний ва Осиё кўчаларини боғлайдиган, Форобий, Қорасарой, Сағбон, Себзор ва Лабзак кўчаларини ўзаро туташтирган 5,1 километр узунликдаги янги Нурафшон кўчаси бунёд этилгани шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига қўшимча қулайликлар яратди. Айниқса, пойтахтимизнинг Себзор ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишадиган жойда қурилган эни 26, узунлиги 500 метрли янги кўприк мамлакатимизда йўлсозлик ва кўприксозлик тажрибаси тўла шаклланганидан далолат беради.

Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан боғлайдиган Тошкент-Қўқон йўналишида амалга оширилган ишлар нафақат йўлсозлар, балки бутун юртимиз аҳлининг фахрига айланди. Тошкентдан Қўқон орқали Андижонга, ундан сўнг Ўш ва Хитойга олиб борувчи ушбу йўл бир вақтлар сўқмоқ йўлдек тор, хавфли эди. Ҳозирги йўлга разм сола туриб беихтиёр қурувчиларга балли, дейсан киши.

— Хизмат сафари билан тез-тез водийга қатнайман, — дейди пойтахтлик хусусий тадбиркор Аъзамжон Қодиров. — Илгарилари тик тоғ йўлларида кўтарилиш учун кўп куч ва вақт сарфланар, устига-устак ўнқир-чўнқирлар машина техник ҳолатига зарар етказиб, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг асабини чарчатарди. "Қамчиқ" ва "Резак" туннелларининг қурилиши, довон бўйлаб йўлларнинг кенгайтирилиши ҳамда таъмирланиши натижасида бу кўнгилсизликлар гўё тушга айланди.

Мамлакатимиз, жумладан, Фарғона водийсида ишлаб чиқариш жадал ривожланаётгани инобатга олиниб, бугунги кунда бу йўл замонавий талаблар асосида қайта барпо этилмоқда. Довонда амалга оширилаётган йўл-қурилиш ишларида цементбетон қоплама ишлатилмоқда.

Асфальтбетон қопламали йўлларга нисбатан 2,5 баробар камроқ емириладиган, икки баробар узоқ фойдаланиладиган цементбетон қопламали йўлларни барпо этиш бирмунча арзон тушади. Жанубий Корея, Германия, АҚШ, Австралия сингари мамлакатларнинг автомобиль йўллари асосий қисмини шундай йўллар ташкил қилади. Бундай йўлларни қуришда мамлакатимизнинг ўзида зарур хомашё базаси мавжуд. Ўзбек миллий магистралининг 350 километри шундай қоплама асосида бунёд этилмоқда.

Уфққа туташган магистрал

Жиззах ва Самарқанд вилоятлари чегарасида жойлашган Юқори нуқта манзилида тўхтаб йўлларга разм солсангиз, худди уфқ билан туташиб кетгандек таассурот уйғотади. Мазкур йўл Ўзбекистоннинг барча ҳудудини бир-бирига боғлайдиган, кўплаб халқаро транзит йўллари кесишувида жойлашган Ўзбек миллий магистралининг муҳим қисми ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда шимоли-ғарбий томондан Бейнов орқали, жануби-ғарбий томондан Олот орқали, жануб томондан Термиз орқали ва шарқ томондан Андижон орқали қўшни давлатларга чиқадиган Ўзбек миллий автомагистрали 4 йўналишдан иборат бўлиб, унинг узунлиги 2 755 километрни ташкил қилади.

2009 йилдан буён қурилиши давом этаётган Ўзбек миллий магистрали 2019 йилга бориб тўлиқ якунланади. Натижада Андижондан Қўнғиротгача, Самарқанддан Термизгача бўлган автомобиль йўллари жаҳон стандартлари талабларига мос даражада янгиланиб, мамлакатимизнинг бир четидан бошқа четига 10-12 соатда етиб бориш мумкин бўлади.

Мазкур магистрал инвестиция муҳитининг яхшиланиши, давлатнинг экспорт, импорт ва транзит юк ташиш имконияти, чет эл инвесторлари ва сайёҳларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши ошишига хизмат қилади.

Ҳа, интеграциялашиш жараёни янги мингйилликнинг асосий белгисига айланган бир даврда замонавий транспорт инфратузилмасини барпо этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши самарасида Ўзбекистон яна қадимги Буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳасига айланди. Мустақилликнинг илк йилларидаёқ Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ривожланишнинг "ўзбек модели" туфайли бу бунёдкорлик ишлари халқимиз фаровонлигининг ошишини ва иқтисодиётимизнинг барқарор суръатларда тараққий этишини таъминламоқда.

Беҳзод БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири

Garoyib olam

Она табиат бағрида яширинган чексиз сир-синоатлар ҳамиша инсон эътиборини ўзига жалб этиб келган. Айниқса, ўсимликлар олами ўзининг турфа хиллиги, бетакрор гўзаллиги билан бир қаторда, баъзан тасаввурга сиғмайдиган ғаройиб хусусиятлари билан ҳам кишини ҳайратга солади.

Биз билган ва билмаган дунё

ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ҒАРОЙИБ ОЛАМИ

Мисол тариқасида айтсак, шимолий ўлкалардаги ботқоқликларда "росянка" деган ўсимлик ўсади. Қизиғи шундаки, у ўзига керакли биологик моддаларни илдиз орқали таъминлай олмаса, шундай манбалар мавжуд жонзотларни овлай бошлайди. Одатда, "росянка"нинг оч-қизил тукчаларида ёпишқоқ суюқ томчилар ялтираб туради. Буни кўрган ҳашаротлар эса, чанқоғини бостириш мақсадида, ўсимликка қўниши ҳамон маҳкам елимланиб қолади.

Айтиш керакки, олимлар бундай ўсимликларнинг 80 га яқин турини аниқлашга муваффақ бўлишди.

Ўлжасини пойлаб тутувчи ўсимликлардан яна бири "Америка саррацени" ҳисобланади. Маҳаллий аҳоли Канадада кенг тарқалган бу ўсимликни овчи бурғуси, кувача ўсимлик каби бир қанча ажабтовур номлар билан аташади. Айниқса, унинг сўнгги номи ўзига жуда мос тушган, чунки яланғоч пояси атрофида катта бўлиб очиладиган қизил гул ростакамига кувачани эслатади.

Унинг ёрқин гулига ошуфта бўлган ҳашаротлар беихтиёр учиб келиб унга қўнади ва оҳанрабодек жалб этгувчи кувачасига туша бошлайди. Баъзи бир катта тупларда асир тушган ҳашаротларнинг сони 40 тага етади. Кувачаларнинг ўзи ҳам жуда ёрқин тусда бўлади, шу боис унинг бўғзи атрофида ширин нектар йиғилади, бу ҳол ҳашаротларнинг диққатини ўзига тортади. Ширинликдан баҳраманд бўлишга уринган ҳашаротлар кувачанинг ички тарафини қоплаган юмшоқ тукларга тирмашиб, емак излаб унинг ичига киради. Бироқ у ерга киришга кираги-ю, қайтиб чиқа олмайди. Чунки ундаги тиғсимон туклар дарҳол ростланиб, ҳашаротнинг тепага чиқишига йўл қўймайди. Шарбат илинжидаги ҳашаротлар эса, тобора пастга, суюқлик йиғилган тубига қадар тушиб келаверади. Аслида, айни шу суюқлик орқали ўсимликлар ўз ўлжаларини осонгина ҳазм қила олади.

Янада қизиқарли жиҳати шундаки, Буюк Британиянинг Кембриж ва Бристол университетлари олимлари биргаликда илмий тадқиқот олиб боришиб, кўзача (Nepenthes) деб номланадиган ўсимлик ҳашаротларни тутадиган тузоғини вақтинча "ўчириб" қўйишдек ноёб хусусиятга ҳам эга эканлигини аниқлашга муваффақ бўлишди. Бу ноёб табиий усул орқали мазкур ўсимлик ҳашаротларни чалғитиш йўли билан янада кўпроқ ўлжа тутаркан. Бристол университети қошидаги "Биология" мактаби доктори Ульрике Бауэр ва унинг ҳамкасблари ҳашаротларни тутишда шилимшиқ ва сирпанчиқ тузоқ-кўзачадан фойдаланувчи "Nepenthes rafflesiana" ўсимлиги устида тадқиқот ишлари олиб бориб, қизиқарли далилларни аниқлашди.

— Кўзача нам бўлса, юзаси сирпанчиқлигини сақлаб туради. Бироқ куннинг энг иссиқ пайтида улар қуруқ, ғўёки тузоқлар "ўчирилган" ҳолатда бўлади, — дейди доктор Бауэр. — Табиийки, бундай пайтда улар ҳашарот тутмайди. Ана шу ҳолат моҳиятан қандай аҳамият касб этиши тадқиқотчиларни илмий баҳсга ундамоқда. Дастлаб, ўсимлик олдида разведкачи қумурсқа пайдо бўлади ва табиийки, ширин нектарга тўла кўза ичидан яхшигина озиқ манбаини топади. У қуруқ пайтида нектардан ичиб, бемалол чиқиб кетади. Шундан сўнг у бошқаларни бошлаб келади. Ўсимликка эса, айнан шу нарса керак ва у жуда катта ўлжага эга бўлади. Тузоғини куннинг иссиқ пайтида "ўчириб" қўйган кўзачалар четдан қараганда ҳашаротларни тутиш учун жуда яхши ов стратегиясига ва ўзига яраша заковатга эгадек кўринади.

Ҳолбуки, биолог олимларнинг кузатишича, Борнеода ёввойи ҳолда ўсадиган кўзачалар вақтинча қуруқ бўлишига қарамай, барибир ҳашарот тутишда давом этаверар экан. Бунга жўяли жавоб топиш учун махсус тажриба ўтказилди: куннинг жуда иссиқ пайтида кўзачалар ширин сув билан мунтазам намлаб турилди. Маълум бўлишича, бундай вазиятда ўсимлик анча тўйиниб, унинг ҳашаротларни ўзига жалб қилиш ҳаракати 36 фоизга камайган.

Таъкидлаш жоизки, Лондондаги Кью қироллик боғларида бундай антиқа ўсимликларнинг 50 дан ортиқ тури ўсмоқда. Улар зараркунандаларга қарши курашишда боғ аҳлига яқиндан ёрдам беради.

Хориж матбуоти асосида Бобур ЗОҲИДЖОНОВ тайёрлади.

Huquqiy ma`rifat

Битимлардаги мажбуриятлар

тарафлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Битимларни нотариал тартибда тасдиқлаш фақат қонунда кўрсатилган ёки тарафлардан бири талаб қилган ҳоллардагина мажбурийдир. Жумладан, уй-жойларни олди-сотди қилиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Шу ўринда фикримизни далиллаш учун мисол келтирамиз. Бухоро шаҳридаги бир турар жой А.Сатторов ва Б.Шуҳратов ўртасида оғзаки равишда олди-сотди қилинган. Аслида бу уй А.Сатторовнинг турмуш ўртоғи Ж.Ўрозбоевага мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган. Уй учун пулнинг асосий қисми Б.Шуҳратов томонидан А.Сатторовга берилган, лекин бу пуллар учун тилхат олинмаган ҳамда пулнинг бир қисми берилмаганлиги ҳамда мулкдор ҳисобланган Ж.Ўрозбоеванинг норозилиги сабабли олди-сотди шартномаси нотариал тартибда расмийлаштирилмаган.

Бунинг оқибатида ўртада низо келиб чиқиб, даъвогар Б.Шуҳратов судга олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат қилди. Суд ишни атрофлича кўриб чиқиб, пул берган тараф қўлида ёзма далил бўлмаганлиги, мулкдорнинг розилигисиз оғзаки олди-сотди амалга оширилганлиги сабабли олиш-сотиш, гаровга қўйиш шартномалари ва бошқа шартномалар, шунингдек, мулкни васият қилиш тўғрисидаги битим (васиятнома) нотариат тартибда тасдиқланиши талаб қилинади.

Битимларнинг оддий ёзма ва нотариал тасдиқланган шаклда тузилиши баъзи муҳим асослар бўйича белгиланган. Чунончи, битимнинг ёзма шакли битим тузилганлиги фактини бир томоннинг баёнотига ёки гувоҳларнинг кўрсатмаларига қараганда асослироқ исботлайдиган далил бўла олади.

Лекин амалиётда фуқаролар ўртасида оддий тилхат асосида уй-жойларнинг даъво талабини қаноатлантирмасдан қолдиришди.

Хулоса қилиб айтганда, битимлар моҳиятида фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари мужассамдир. Шу боис битим тузишда амалдаги қонуний меъёрларга тўлиқ риоя этиш ва унда белгиланган мажбуриятларга амал қилиш мақсадга мувофиқ. Бу, шубҳасиз, қонун устуворлигининг муҳим талабларидан бири бўлиб, нафақат фуқаролар манфаатига, балки жамият равнақига ҳам хизмат қилади.

Ғолибжон ДАВЛАТОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судининг раиси

Jinoyat va jazo

Ахлоқ-одоб қоидалари

унга қатъий риоя этиш тинчлик-осойишталикни таъминлашга хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Аксарият ҳолларда безорилик жиноят оилада муносиб тарбия олмаган, ичкиликка муккасидан кетган ёки гиёҳвандлик кўчасига кириб қолган кимсалар томонидан содир этилади.

Мисол учун Норин туманида яшайдиган М.Солиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2015 йил 15 январь куни тахминан соат 16 ларда маст ҳолда Норин туман "Сузоқовул" маҳалла фуқаролар йиғини марказида юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан Д.Шокиров билан жанжаллашиб қолади ва уни уриб-дўппослаб, ўртача оғир тан жароҳати етказади.

Дастлабки тергов ва суд жараёнида М.Солиев ушбу жиноятни спиртли ичимлик таъсиридан маст ҳолда содир этганини, қилмишидан пушаймонлигини тан олди. Суд М.Солиевни Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми "а" банди билан айбдор деб топди ва унга нисбатан ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

Бундан ташқари судланувчи А.Камолов муқаддам бир неча марта жиноий қилмишларги қўл уриб, суд томонидан хавфли рецидивист деб топилганига қарамай, 2014 йил 4 декабрь куни маст ҳолда, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, Учқўрғон тумани Янгиер қишлоғи, Бўстон маҳалласига боради ва В. Умаровни ҳеч бир сабабсиз уриб-дўппослайди. Оқибатда унга енгил тан-жароҳати етказади. Бу ҳам етмагандек, у айнан шу куни тахминан соат 21 ларда У.Умаров билан ҳам ўзаро жанжаллашиб, унга яна енгил тан-жароҳати етказади.

Суд А.Камоловни Жиноят кодексининг 277-модддаси 3-қисми "а" банди билан айбдор деб топди ва унга нисбатан Жиноят кодексининг 60,61-моддалари тартибида уч йил уч ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Хулоса қилиб айтганда, безорилик халқимизга хос бўлган катталарга ҳурмат кўрсатиш, кичикларни иззат қилиш сингари гўзал фазилатларга мутлақо хилоф бўлган салбий хулқ-атвор ҳисобланади. Зотан, халқимиз безоридан барча безор, деб бежизга айтмаган. Шундай экан, ҳар биримиз жамиятда ўрнатилган ахлоқ-одоб қоидаларига қатъий риоя этиш турли кўнгилсизликларнинг олдини олишга, энг муҳими, ҳаётимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга хизмат қилишини доимо ёдда тутайлик.

Музаффар ҒОФУРОВ,
жиноят ишлари бўйича Норин тумани судининг раиси

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Светлана АРТИКОВА
Қўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (8 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@oliysud.uz
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-722. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. Адади: 6786.
1 2 3 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22³⁰